

Огаҳий таваллудининг 190 йиллиги олабдан

СЕРМАҲСУЛ ИЖОДКОР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Мухаммад Ризо Эрнӣёзбек ўғли — Огаҳий таваллудининг 190 йиллигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Маъмур қарорни қабул қилишдан кўзда тутилган мақсад халқимизнинг миллий маданияти, маънавияти ва маърифати тараққиётига улкан ҳисса қўшган атоқли шоир, тарихнавис, таржимон, давлат арбоби Мухаммад Ризо Эрнӣёзбек ўғли — Огаҳийнинг адабий-илмий меросини янада кенг тарғиб қилиш ҳамда миллий қадриятларимизни асраб-авайлашдир.

Огаҳий 1809 йили Хоразмнинг Хива шаҳри яқинидаги Киёт қишлоғида туғилди. У тоғаси Шермуҳаммад Мунис қўлида ўсди ва таълим олди. Бошланғич тахсилдан сўнг мадрасада ўқиди. Навоий, Ғолибий, Бедил каби Шарқ халқлари классикларининг асар-

ларини муҳаббат билан ўрганди. Огаҳийнинг баъдий мероси ниҳоятда бой бўлиб, «Таъйиз ул-ошиқин» («Ошиқлар тумори») девони, беш тарих китоби ва ўн ўттизта таржима асар шoir қаламига мансубдир. Огаҳий ўзининг тарихий асарлари билан Хоразмнинг ярим асрдан ортиқроқ даврини акс эттирувчи тарихий ҳужжатни яратди. Бу асарлардаги жуда кўп материаллар Хоразм хонлигининг иқтисодий ва сийёсий ҳаётини, ташқи мамлакатлар билан муносабатларини ўрганишда, аҳолининг турмуши, урф-одатларини тадқиқ этишда жуда катта аҳамиятга эгадир. Шоир лирикасининг энг асосий хусусиятларидан бири унинг чуқур самимият ва юксак бадиийлигидир. Унинг инсон қалбининг энг нозик ва нафис туйғуларини ўшандай латофат билан баён этувчи уйноқи, сермазмун ва оҳангдор шеърлари ҳамон халқимиз томонидан зўр муҳаббат билан ўқилиб, куйлиниб келмоқда. Шоирнинг куйида эътиборингизга ҳавола этилаётган шеъри фикримиз далилидир.

Мохира КАРИМОВА.

Огаҳий

НУРУ ЗИЁ МУБОРАК

Хуснуғ кўйи тузиши, эй маҳдиқ, муборак,

Жумла жаҳонга солиши нуру зиё муборак.

Фаррух юзиг латофат бустонининг гулдур,

Тоға очилмиши, аммо сартобано муборак.

Икки қошиғ қамолу иқбол авжи узра,

Икки ҳилолдуракми қилмиши худо муборак.

Қаддинг ниҳоди наврас боғи саодат ичра,

Ушбу ниҳол ёриб, бўласун санга муборак.

Ийд оқшомида гулдек нозик танинға кийгин,

Зардор тугма бирла рангин қабо муборак.

Кирзузма суҳбатинга ҳаргиз рақибниким,

Ул шуминиғ қудуми бор асру қолмуборак.

Меҳру вафо манга, эй хусн аҳли моҳи,

Бўласун шайх ушбу меҳру вафо муборак.

Гар бўлас авфу раҳмат аҳли суноҳға маҳсус,

Эй бандав суноҳкор, журму хато муборак.

Мақсуди Оаҳийнинг жон берса қулқулғанда,

Бу мақсадини, ёраб, қилгин анга муборак.

Нилҳол

ОЙИМ ҚАЕРДА?

(Эртак)

Атиргул эндиғина кўзларини очган ҳам эканки, бир кичкинагина томчи унинг юзига тушибди. Томчи гул япроқларидан бирига кўнибди. Атиргул томчига қараб:

— Салом! — дебди. Томчи қалтираган кўйи у билан саломлашиб, гулга: — Сен ўзинг ким бўласан? — дебди.

— Мени танимаяпсанми? Мен ахир ҳамма жойга хуш-буй таратувчи атиргулман-ку!

— Мен қаердаман? Осмонда бошқа томчилар билан ўйнаб юрган эдим. Бирданига қора булут келиб бизга урилди. Онам оқ булутнинг жаҳли чиқди ва улар ҳам қора булут билан жанг қилдилар. Жуда кўрқинчли овозлар пайдо бўлди. Мен кўрқиб кўзларимни юмиб олдим. Кўзларимни очсам, сенинг ёнингданман. Ҳозир ойим қаерда? Сен ойимни кўрмадингми?

— Йўқ, ойингни кўрмадим! — деб жавоб берибди атиргул.

Кичкина томчи йиғлай бошлабди.

— Йиғлама, ойингни барибир топамиз, — деб уни овутибди атиргул.

Атиргул атрофни яхшилаб кузатибди. Бир пайт тилларанг капалакни кўриб қолибди. У гулдан гулга кўниб юрган экан.

Уни қақриб: — Сен томчининг ойисини кўрмадингми? — дебди. Капалак унга: — Йўқ! — деб жавоб берибди.

Кейин қанот қоқиб учибди. Асалари ҳам ўз ойиси билан боғни айлаиб юришган экан.

Атиргул уларга ҳам ўша саволини берибди. Улар ҳам томчининг ойисини кўрмадик дейишди. Кейин хонқизини кўришди. У ҳам ҳаво иссиқ бўлгани учун гулдан гулга кўниб, уларнинг ширин болларидан тотиб юрган экан. Улар хонқизидан ҳам сўрашди. Хонқиз ҳам уларга «Билмайман!» деб жавоб берибди.

Томчи ўқиб йиғлабди. Офтобойим осмоннинг ўртасида айлаиб юрган экан. Томчининг йиғлаган овозини эшитибди. Боғдаги дарахларни, гулларни ва томчини ўзининг ёқимли нурлари билан иситибди. Томчига қараб:

— Томчивой, нега йиғлаяпсан? — дебди.

— Ойисини йўқотиб қўйган, шунинг учун йиғлаяпти, — деб унинг ўрнига жавоб берибди атиргул.

Офтобойим жилмайиб, унга далда берибди: — Сенинг ойинг осмонда! У ҳам сени қидириб юргандир. Мен билан юрсанг, ойингнинг олдиға олиб бораман!

Томчи хурсандлигидан қичқириб юборибди. Атиргулнинг юзидан ўпиб, у билан хайралишибди. Томчи кўшнинг қанотиға ўтириб, секин-секин осмонга кўтарилибди. Ойиси уни кўриши билан бағриға босибди. Хурсандлигидан боласини тўйиб-тўйиб ўпибди.

Баҳридин ТУРҒУНОВ.



Бензин ва бошқа ёнилғилар қатори табиий газ ҳам фойдаланишда эҳтиёткорликни такозо этади. Корхона ва хонадонларда газдан нотўғри фойдаланишлар оқибатида кўпгина ноҳус ҳодисалар келиб чиқаётгани сир эмас.

Бундай ҳодисаларнинг олдини олиш ҳамда газ-бошқармаси бошлигининг ўринбосари Шокир Мўминов амалга оширилаётган ишлар ҳақида куйидаги:

Хавфсизлик ойлнги

ЖОНЛИ СУҲБАТЛАР

рига биноан 1 сентябрдан 1 ноябргача шаҳар аҳолиси ва корхоналарда газдан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш икки ойлнги ўтказилади. Бундан мақсад аҳолиға газдан фойдаланиш қонунқоидаларига риоя қилишни тарғиб этиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, газдан тежамкорлик билан фойдаланишға эришишдир. Пойтахтимизнинг Яқкасарой тумани газ бошқармаси ҳам бу муҳим тадбирни уюшқоқлик билан амалга оширяпти. Жамоатчи муҳбиримиз

роили ва ихчам ишланган намунали кўрғазмалар осиб чиқдик. Ходимларимиз ўқув муассасалари, корхоналар, ётоқхоналар, маҳалла қўмиталари, клублар ва бозорларда бўлиб, газдан хавфсиз фойдаланиш бўйича жонли суҳбатлар ўтказмоқдалар. Сентябрь ойида 10561 хонадон ва кўчаларда техник текшириш ўтказилди. Тумандан 17 маҳалладан 9 тасида мазмунли суҳбатлар уюштирдик. Булар Яқкасарой I ва II, Юнус Ражабий, «Туркистон», Абдулла Қаҳқор, Ўрикзор, Работ ва Абдулла Авлоний маҳаллаларидир. Октябрь ойида кинотеатрларда газ хавфсизлиги мавзусида аҳоли учун махсус фильмлар намойиш қилмоқчимиз.

Аҳоли билан юзма-юз мулоқотда бўлиш камқўстларимизни бартавраф этишда ҳам катта ёрдам беради. Биз бундан кейин ҳам газни тежаш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш йўлида барча имкониятлардан унумли фойдаланамиз.

Абдулло СУБХОНОВ, журналист.

Маслаҳатлар

ларни гапириб берди: — Бизнинг фаолиятимиз йил бўйи шу тадбирларни амалга оширишға қаратилиши лозим. Аммо ҳар йили махсус икки ойлнқ ўтказишнинг ҳам аҳамияти катта. Чунки аҳолининг диққат-этибори жалб этилади ва бу тадбирларнинг аҳамиятини чуқур англаб олади. Нафақат табиий газ, балки ҳар қандай бойлиқни ҳам тежаб-тергаб ишлатиш халқимиз фаровонлиги ва мамлакатимиз кудратининг ошишиға хизмат қилади. Биз кўзға яққол ташланадиган жойларға чи-

ФАҚАТ ГУЛЛАР ҲАҚИДА

● Гулдондаги гуллар сўлий бошлагани сезангиз, ҳўл қоздан «теллап» ясаб гулдон устини ёпиб қўйинг. Намлик кўпайган бундай «теллап» остиди гулларнинг жони қиради.

● Агар гулчалар тезроқ очилишини истаб қолсангиз, гулдондаги сувға камфорали спирт аралаштиринг. (1 литр сувға ярим чой қошиғидир.)


● Гулдондаги гуллар сўлий, ўз тароватини йўқотса, сувға бир неча томчи нашатир спирти ёки камфорали спирт (1 литр сувға 1/2 чой қошиғида) солинг.

Гулноза АСХАТОВА тайёрлади.

Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ

ТАЛАБАЛИК СУРУРИ

Ёшлиқнинг эсда қоларли, энг масрур, беғубор дамларидан бири бу — талабалик йилларидир. Шу боис бўлса керак кўпчилик уни олтинга тенглайди. Ҳамза театрида ана шу «олтин давр»ни бошидан кечираётган Тошкент шаҳар ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли тиббиёт коллежи 1-курс талабаларининг «Талабаликка бағишлов» кечаси бўлиб ўтди.



Анжуманлар

— Барчангизни талаба деган номға муяссар бўлганлигингиз билан муборакбод этаман, — деди Халқаро «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг раиси Гулнора Йўлдошева. — Билмишли ҳамшира — жон озиғи, деганларидек сизлар ҳам ўз билимларингиз ҳамда ширин сўзингиз билан беморлар дардиға маълум бўласизлар, деб ўйлаймиз. Шунингдек, анжуманда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдурахимова, ота-оналар номидан Наима Турсуновалар ҳам сўзға чиқишиб, талабаларға ўзларининг эзгу тиллақларини билдиришди. Тантананда коллежининг ташкил этилганлигиға ҳали кўп вақт бўлмаган бўлсада, кўпгина ибратли ишларнинг амалға оширилаётганлиги ҳамда ундаги ўқиш жараёнлари хусусида ҳам тўхталиб ўтил-

ди. Фақат талабаликкагина хос бўлган дамларнинг қувончли онларини бошидан кечираётган айрим талабалар билан суҳбатлашдик:

● Шаҳноза ОБИДОВА, ҳамширалик иши бўлими талабаси: — Мен бугун ҳаётимдаги энг бахтли кунлардан бирини ўтказаяпман. Негаки, болалигимдан орзу қилган ҳамширалик касби бўйича билим оляпман. Албатта менинг бу олаётган билимим ҳаётда ўз ўрнини топишимда муҳим аҳамият касб этади.

● Гулноза МУХИДДИНОВА, акушерлик иши бўлими талабаси: — Утган ўқув йилида ҳам коллежға ўқишға ҳаракат қил-

ган эдим. Бироқ, бироз бал етмаган эди. Тиббиёт соҳасиға бўлган қизиқишим туфайли бу йил 180 балл тўлаб, талабаликка қабул қилиндим. Дарсларда ўқитувчиларимизнинг талабчанлиги ҳамда амалиёт жараёнининг қизиқарли ўтишини кузатиб боришим натижасида ўқишға бўлган иштиқким янада ортиб бормоқда. Талабаликда кечган дамларим ҳаётимдаги энг қувончли лаҳзалардан бири бўлиб қолади.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА, СУРАТЛАРДА: «Талабаликка бағишлов» тадбиридан лавҳалар.

Рашид Галиев олган суратлар.

Бу кўхна оламда одамлар нималарни ўйлаб топшмайди дейсиз... Бунинг қараңги, машинанинг рангиға қараб, эгасининг кимлигини бе-мапол аниқласа бўларкан. Хорижда нашр этиладиган «Автомобиль ва йўл ҳаракати» журналининг буюртмаси бўйича ўтказилган сўров иштирокчилари бўлиши психологлар шундай хулосаға келишди.

● Кўпчилик орасида мана-ман деб кўзға ташланмасликка интилувчан, босиқ одамлар, булар — оқ рангдаги машина соҳибларидир. Улар одатда ўз уловларини ҳаммаша озода

Турфа олам

МАШИНАНГИЗ РАНГИГА ҚАРАБ...

тутадилар, йўлда юрганда ҳам ҳаракат қоидаларини бузмасликка тиришадилар. ● Сарик рангдаги автомобиль эгалари дунёни сув босса тўпниға чикмайдиған беғам одамлар тоифасидан бўлишаркан. Улар, ҳатто йўлда «тиқин» ҳосил бўлган пайтда ҳам ба-

Мирзаали АКБАРОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

1-ҚАБУЛ ПУНКТИ ҚОҒОЗ ЧИҚАНДИЛАРИ (МАКУЛАТУРА)НИ ЧЕКЛАНМАГАН МИКРОРДА КУЙИДАГИ КУНДАЛИК ЭҲТИЁЖ МОЛЛАРИГА АЛМАШТИРГАН ХОЛДА АҲОЛИДАН ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

- 1. Хўжалик совуни — 1 бўлак — 6 килограмм макулатураға.
- 2. Атир совун — 1 бўлак — 3 килограмм макулатураға.
- 3. Электр лампочкаси — 1 дона — 3 килограмм макулатураға.
- 4. «Лола» кир ювиш пастаси — 1 банка — 4 килограмм макулатураға.
- 5. «Чистолин» тозаловчи порошок — 1 банка — 5 кг макулатураға.
- 6. Икки жилдлик «Граф Монте-Кристо» китоби — 2 жилд — 10 килограмм макулатураға.
- 7. Шафтоли шарбати (1 литр) — 1 банка — 7 килограмм макулатураға.
- 8. Гугурт — 1 қути — 0,5 килограмм макулатураға.
- 9. «Ўзбекистон» виноси-1 шиша — 10 килограмм макулатураға.
- 10. «Ўзбекистон» ароғи — 1 шиша — 15 килограмм макулатураға.

Мақсулотлар рўйхати ва меъёри ўзгартириш мумкин. Макулатурани йиғиш ва ундан картон қўтиларни тайёрлаш учун қайта фойдаланиш шаҳарнинг санитария ва экология ҳолатини яхшилайти ва қўшимча иш жойларини ташкил этади.

Манзил: Тошкент шаҳри, 26-мавзё, «Нон-Паста» хиссадорлик жамияти ёнида. Тошкент шаҳридаги маълумот учун телефонлар: 35-19-62, 35-20-42, факс: 35-20-42.

«Саноаткартонсавдо» хиссадорлик жамияти.

ОЛДИНГИЗДА ИШГА ЖОЙЛАШИШ МУАММОСИ ТУРИБДИМИ?

Марҳамат, ёрдам беришимиз мумкин. Сергели тумани Меҳнат биржаси 20 октябрь соат 9.00 дан 14.00 гача Сергели-8 даҳасидаги «Сервис-гузар»да «Бўш иш жойлари ва вакант лавозимлар» ярмаркасини ўтказади. Сиз бу ярмаркада иштирок этсангиз ишсизлик, қайта ўқиш, қўшимча касб-хунар ўрганиш муаммосининг ечимини топишингиз мумкин. Шунингдек, шаҳримиздаги бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотларни ҳам олишға мушарраф бўласиз. Шунинг учун ярмаркамизға ташриф буюринг. Бизнинг манзил: Сергели-8 даҳаси, «Сервис-гузар». Ҳокимият бекати. Транспортлар: автобуслар: 40, 75, 58, 98; троллейбуслар: 15, 19. Тел: 58-63-84; 58-08-95.

Тошкентнинг барча теледастурлари — TV-1, TV-2, TV-3, TV-4, 30-канал, Қозғистон телевидениесини сифатли қабул қиладиган антенналарни ўрнатамиз. Антенналар қиймати (кабель қийматисиз) ва хизмат ҳақи 3950 сўм. Тел: 74-23-92.

«ШИФОБАХШ БУЛОҚ» ТУРДАГИ АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЈАДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1998 йил 29 октябрь пайшанба кунин соат 15.00 да Тошкент шаҳар Х. Асомов кўчасидаги, 1-Жамият биносида акцијадорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлади.

КУН ТАРТИБИ:

- 1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 361-сонли қарорига асосан Янги матндаги жамият низомини бошқарув, қузатув ва тафтиш кенгашлари низомларини қабул қилиш.
- 2. Қузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
- 3. Бошқарув кенгаши аъзолари рўйхатиға ўзгартриш киритиш.
- 4. Бошқа масалалар.



Ибн Сино мавзёсида 2 хонали уй СОТИЛАДИ Т: 65-05-63.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги шаҳар Назорат инспекцияси раҳбарининг ўринбосари Даврон Миртожиевға онаси Ойдин МИРТОЖИЕВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

